



## Ислом Нури

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ўзидан бирор маъно англаган сўзга араб тилида **калима** дейилади.  
Араб калималари уч қисмдан иборат:

Исм: □□□□□□ каби. Феъл: □□□□□□ каби. Ҳарф: □□□□ ва □□□□ каби

**Исм** ўзи уч қисмдир:

**Сулосий** (уч ҳарфли): □□□□□□ каби. **Рубоъий** (тўрт ҳарфли): □□□□□□ каби. **Хумосий** (беш ҳарфли): □□□□□□□□ каби.

**Феъл** икки қисмдир: **Сулосий** (уч ҳарфли): □□□□□□ каби. **Рубоъий** (тўрт ҳарфли): □□□□□□ каби.

**Ҳарф** икки қисм бўлиб, ҳарфи аслий (ўзак ҳарфи) ва ҳарфи зоида (қўшимча ҳарф)дан иборат. Араб тилида аслий ва зоида ҳарфлар орасини ажратиш учун махсус ўлчов – **вазн** қабул қилинган. Араб калималарининг мезони □ □ □ (фо, айн, лом)дир.

**Ҳарфи** аслий деб вазнда □ □ □ нинг рўбарўсида бўлган ҳарфларга айтилади. Масалан: □□□□□□ → □□□□□□ вазнида бўлиб, барча ҳарфлари аслийдир. **Ҳарфи зоида** □ □ □ нинг рўбарўсида бўлмаган ҳарфлардир. Масалан: □□□□□□□□ → □□□□□□□□ вазнида бўлиб, бундаги □□ ҳарфи зоидадир.

Ҳарфи аслий сулосийларда учта: □ □ □ (фо, айн, лом).

рубоъийларда тўртта: □ □ □ □ (фо, айн ва иккита лом).

хумосийларда бешта: □ □ □ □ □ (фо, айн ва учта лом).



## Ислом Нури

Сулосий икки қисмдир: сулосий мужаррад ва сулосий мазид.

**Сулосий мужаррад**да учта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.

**Сулосий мазид**да учта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.

Рубоъий ҳам икки қисмдир: рубоъий мужаррад ва рубоъий мазид.

**Рубоъий мужаррад**да тўртта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.

**Рубоъий мазид**да тўртта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.

Хумосий ҳам икки қисмдир: хумосий мужаррад ва хумосий мазид.

**Хумосий мужаррад**да бешта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.

Хумосий мазидда бешта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан:  $\text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚ} \rightarrow \text{ﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛﻪﻛﻚﻛ}$  вазнида.